O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

# «АДОЛАТ» СДП – АҲОЛИНИНГ ҲАММА ҚАТЛАМЛАРИНИ ҚАМРАБ ОЛУВЧИ УМУММИЛЛИЙ ПАРТИЯДИР

Куч — адолатда

# Адолат

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

2004 йил 12 ноябрь

№ 36 (479)

ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

## ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ III ҚУРУЛТОЙИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**Илгари хабар берганимиздек, Тошкент шаҳрида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг III қурултойи бўлиб ўтди. Партиямизнинг бу нуфузли анжуманида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар партия ташкилотларидан ташриф буюрган 170 нафарга яқин делегатлар, партия фаоллари, мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг ходимлари қатнашдилар.**





Қурултойда "Адолат" СДПнинг ўтган беш йил давомидаги фаолияти, бугунги кунда олиб бораётган ишлари, партиянинг Сайловолди дастури, сайлов кампаниясидаги иштироки билан бирга, Партия Дастури ва Низомига ўзгартиришлар киритиш, Республика Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни тасдиқлаш каби қатор муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Партиянинг ўтган беш йил мобайнидаги фаолияти ва келгусидаги муҳим ишлари юзасидан Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши биринчи котиби, академик Турғунпўлат Даминов маъруза қилди. Маърузада таъкидлаб ўтилганидек, "Адолат" социал-демократик партияси учун ўтган йиллар ўзига хос давр бўлди. Бу давр ижтимоий-сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ўртасида соғлом рақобат ортган бир пайтга тўғри келди. Халқаро меъёр ва андозаларга тўла жавоб берувчи Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунчилиги фуқароларнинг давлат ҳокимиятининг ваkиллик органларини шакллантиришда кенг иштирок этишлари учун шароит яратди. Эндиликда буни жаҳоннинг фуқаролик жамиятини ўрганиш соҳасида тан олинган энг обрўли экспертлари ҳам бир овоздан тасдиқлаётгани сир эмас. Шундай ўзгаришларга монанд партия ўтган йиллар мобайнида ўзининг Низоми ва Дастурига мувофиқ иш олиб бориб, ўз сафларини сон ва сифат жиҳатидан мустаҳкамлаш чораларини кўрди. Омма орасига кенгроқ кириб бориш учун амалий ишларни кучайтирди. Ўзининг дастурий ғоялари билан халқ ўртасида мустаҳкам ўрин эгаллади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Марказий тафтиш комиссиясининг иши тўғрисида комиссия раиси Бобокатта Шодиев ҳисобот берди.

Партия Сиёсий Кенгаши котиби Дилором Тошуҳамедованинг қурултой кун тартибидаги иккита асосий масала — "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастурини тасдиқлаш", "Партиянинг Дастури ва Низомига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги маърузаларини кўпчилик катта қизиқиш билан тинглади. Янги ўзгартиришлар билан тўлдирилган партиянинг Сайловолди дастурида ҳаётимизнинг барча жабҳалари қамраб олинишига ҳаракат қилинди. Яъни, "Адолат" партиясининг аҳолининг барча табақаларини қамраб олувчи умуммиллий партия эканлиги бу дастурда ўзининг тўла ифодасини топди. Партиянинг Низоми ва Дастурига ўзгартиришлар киритишни эса ҳаётнинг ўзи тақазо этмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши иккинчи котиби Абдували Ғуломмаҳмудовнинг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни тасдиқлаш тўғрисида"ги маърузасида эса бўлажак депутатнинг масъулиятли шахс эканлиги алоҳида уқтириб ўтилди ва унинг юқори малакали, зукко, билимдон, ишбилармон, қолаверса, қонунларни яхши англаб, уларни яратишдек ноёб истеъдодга эга бўлиши зарурлиги қайт этилди.

Маърузалар юзасидан музокараларда Самарқанд вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби Жуманиёз Алибеков, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Зуҳра Ботирова, Қорақалпоғистон Республикаси Педагогика институти доценти Яхшибика Абдуллаева, Тошкент вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби Турғун Иргашев, Тошкент шаҳар партия Кенгашининг биринчи котиби Шуҳрат Юсупов, Қашқадарё вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби Абдулла Абдуназаров, партия фаоли Игор Вильямс, "Файз" холдинг компанияси бошқаруви раиси Мукаррам Азимова ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Қурултой делегатлари Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг икки қурултой оралиғидаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини, партия Марказий тафтиш комиссиясининг маърузасини тасдиқладилар. Партиянинг мамлакатимиз Парламентидаги фракцияси фаолиятини бир овоздан маъқулладилар. Партиянинг Низоми ва Дастурига киритилган ўзгартиришларни, шунингдек, партиянинг Сайловолди дастурини тасдиқлашди. Анжуманда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлигига "Адолат" партиясидан 87 номзод кўрсатилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг III Қурултойи сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юқори даражада ўтди. Унда партиянинг келгусидаги истиқболига, омма орасида ўз фаолиятини янада кучайтиришга, партиянинг нуфузини янада оширишга доир муҳим қарорлар қабул қилинди. Партия ўзининг ҳар томонлама такомиллашганлигини мазкур олий анжуманда тўла намоён этиб, ўз жипслигини кўрсатди.

**Суратларда: қурултойдан лавҳалар.**







## ТАШКИЛИЙ ПЛЕНУМЛАР

**30 октябрь куни Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг I Пленуми бўлиб ўтди.**

Пленум қатнашчилари унинг кун тартибидаги партия Сиёсий Кенгаши аъзолари, Сиёсий Кенгаш котиблари ва Раёсати аъзоларини сайлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар. Пленумда академик Турғунпўлат Даминов Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби, Абдували Ғуломмаҳмудов, Дилором Тошмуҳамедова, Равшан Ҳайдаров партия Сиёсий Кенгаши котиблари этиб сайландилар.

* * *

Партия Сиёсий Кенгаши Марказий тафтиш комиссиясининг шу куни бўлиб ўтган Пленумида ташкилий масала кўриб чиқилди. Унда партия Сиёсий Кенгаши аъзоси Бобокатта Шодиев Марказий тафтиш комиссияси раисилигига қайта сайланди.

## ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ БИРИНЧИ КОТИБИ ТУРҒУНПЎЛАТ ДАМИНОВНИНГ ҲИСОБОТ МАЪРУЗАСИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ III ҚУРУЛТОЙИНИНГ ҚАРОРИ

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг мақсади**

**— мамлакатимиз қудратини янада мустаҳкамлаш;**

**— эркин бозор иқтисодиётига асосланган адолатли демократик давлат қуриш;**

**— фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришни ниҳоясига етказиш;**

**— халқнинг турмуш даражасини оширишдан иборатдир.**

**Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда партиянинг устувор бош вазифаси фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлашдир. Бу борада ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари — кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоясини амалга ошириш партиянинг доимий эътиборида бўлади.**

**Сиёсий соҳада партия сиёсий плюрализмни ва кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, уларни "давлат ва жамиятни боғлаб турувчи кўприк" даражасига етказиш учун ҳаракат қилади.**

**Ташқи сиёсат соҳасида партия ўз фаолиятини давлат сиёсати ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида ташкил этади. Шу билан бирга партия халқаро терроризм ва экстремизм ғояларига қарши кураш олиб боради.**

**"Адолат" социал-демократик партияси хотин-қизларнинг ҳаётдаги мавқеи ва фаоллигини ошириш юзасидан амалий ишларни йўлга қўяди.**

**Ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида, маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом инсонлар бўлиб тарбияланиши учун доимий равишда фаолият юритади.**

**Бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва эркинлаштиришга, иқтисодиётнинг барча тармоқларида юксалишга эришиш, кичик ва ўрта бизнес ривожини қўллаб-қувватлаш ва шу асосда аҳолининг ижтимоий бандлигини ва фаровонлигини таъминлаш ҳам партиянинг иқтисодий соҳадаги муҳим вазифаси ҳисобланади.**

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг III Қурултойи партия Сиёсий Кенгаши биринчи котиби Турғунпўлат Даминовнинг маърузасидан ҳамда маъруза юзасидан сўзга чиққан партиядошларнинг билдирган фикр ва мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон "Адолат" социал - демократик партиясининг 1999 - 2004 йиллардаги фаолияти маъқуллансин ва қониқарли деб топилсин.
2. Партия Сиёсий Кенгаши фаолияти ва жойлардаги вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларининг сайловолди фаолиятлари кучайтирилсин.
3. Партиянинг барча поғонадаги ташкилотлари томонидан "Адолат" социал-демократик партияси Сайловолди дастурида кўрсатилган вазифаларнинг тўла амалга оширилиши таъминлансин.
4. Партия аъзоларининг сон ва сифат жиҳатидан ўсиши таъминлансин. Партия сафларига иқтидорли, билимли, салоҳиятли, ватанпарвар фуқаролар жалб этилсин.
5. Партиянинг жойлардаги бошланғич партия ташкилотларининг фаолияти кучайтирилсин ва ташкил этилмаган жойларда бошланғич партия ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилсин.
6. Жойлардаги партия ташкилотлари ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлансин, аъзолик бадалларини йиғиш масаласи кучайтирилсин ва тўла йўлга қўйилсин.
7. Партиянинг асосий нашрий органи "Адолат" газетаси таҳририяти фаолияти тубдан кўриб чиқилсин, босилаётган мақолаларнинг ғоявий - сиёсий мазмуни ва таъсирчанлиги оширилсин.
8. Партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати партия ишини яхши тушинадиган, билимли, ташаббускор профессионал ходимлар билан тўлдирилсин.
9. Ушбу Қарор бажарилишининг назорати партия Сиёсий Кенгашига юклатилсин.

## ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИНИНГ КОЛЛЕЖГА КЎМАГИ

*Вобкент қишлоқ хўжалик коллежи замонавий қишлоқ хўжалик техникаси, ускуналар ва идора мебели билан жиҳозланди. Бунинг учун "Ўрта махсус таълимни ривожлантириш" дастури доирасида Осиё тараққиёт банки томонидан маблағ ажратилди.*

Коллеж раҳбарлари ва педагогларининг айтишларича, бу мазкур билим даргоҳидагина эмас, балки бошқа ўқув юртларида ҳам ўқитиш сифатини яхшилаш ва мутахассислар тайёрлашга ўз ижобий таъсирини кўрсатади. Шу мақсадда коллеж қошида ўрта махсус ўқув юртларининг 18 нафар ўқитувчилари иштирокида республика семинар-тренинги бўлиб ўтди. Бир ҳафта давомида ўқитувчилар вобкентлик ҳамкасбларидан жаҳон стандартлари асосида агрономлар тайёрлаш борасида тажриба алмашдилар.

**Асатилло ҚУДРАТОВ**

## МАҚСАДГА ҲАМКОРЛИКДА ЭРИШИЛАДИ

*Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 304-умумтаълим ўрта мактабда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Фармонини ўрганишга бағишланган йиғилиш ўтказилди.*

Йиғинда "Мустақиллик", "Дўстлик" маҳалласи оқсоқоллари, ота-оналар, ўқитувчилар Фармондан келиб чиқадиган вазифалар хусусида фикр-мулоҳаза юритдилар.

— Ота-оналар, маҳалла оқсоқоллари билан биргаликда мактабда амалга оширилиши лозим бўлган қурилиш ишлари, таълим-тарбия хусусида ҳам маслаҳатлашдик,-деди мактабнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Меҳриниссо Ҳолмуродова. — Халқимизда қарс икки қўлдан чиқади деган нақл бор. Таълимни тарбиядан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Мактаб, маҳалла ва ота-она ҳамкорлиги бўлган жойда кўзланган мақсадга эришиш мумкинлиги азалдан маълум. Фарзандларимизни билимли, соғлом фикрли, миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда бу ҳамкорликнинг аҳамияти беқиёсдир.

Шу ўринда айтиш жоизки, таълим ва тарбиянинг сифати ўқитувчининг билимига, маҳоратига, замон талабларига қай даражада жавоб бера олишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ўқитувчи ёшларимизнинг устози сифатида ўз ўрнига, мавқеига эга бўлиши даркор. Бунинг учун у таълим беришнинг янги услубларидан бохабар бўлиши, савиясини юксалтириш, малакасини ошириш устида мунтазам иш олиб бориши тақозо этилади.

**Ҳусан СУЛАЙМОНОВ**

## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА САЙЛОВЛАР:

### жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистон қонунчилиги

**Самарқанд шаҳрида яқинда ўтказилган халқаро давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан шу йилнинг 4-5 ноябрь кунлари ўтказилган мазкур халқаро анжуманда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев округ ва участка сайлов комиссияларининг шу кунларда амалга ошираётган ишлари ҳақида маълумот берди. Шундан сўнг "Ваkиллик демократия тизимида сиёсий партиялар: жаҳон тажрибаси ва унинг турли давлат бошқаруви шаклларида намоён бўлиши хусусиятлари", "Демократик сайловлар ўтказишнинг халқаро стандартлари ва замонавий сайлов тизимлари", "Сиёсий партияларнинг сайлов кампаниясида иштироки: стратегия ва тактиканинг умумий тамойиллари", "Қонунчилик сиёсий партиялар тўғрисида: халқаро тажриба ва уни Ўзбекистонда қўллаш хусусиятлари", "Парламент сайловлари: сиёсий партиялар рақобати", "Сиёсий партияларнинг парламентдаги фаолияти ва уларнинг жамиятдаги таъсирини оширишнинг бошқа шакллари" мавзуларида ўтган сессия мажлисларида хорижлик мутахассислар билан бир қаторда мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг етакчилари ҳам фаоллик кўрсатдилар.

— Анжуманда билдирилаётган фикрлар ҳар бир сайловчининг ҳуқуқий маданияти янада юксалишига хизмат қилиши табиий, — дейди Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори Аъзамжон Раҳмонов. — Айниқса, халқаро тажрибалар кўпчиликда қизиқиш уйғотади. Шу боис хорижлик ҳар бир мутахассиснинг маърузалари қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Давра суҳбатида сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фракциялари аъзолари, сиёсий партиялар фаоллари, жамоат бирлашмалари раҳбарлари, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Италия, Япония, Ҳиндистон, Россия, Украина каби мамлакатлардан келган сайлов қонунчилиги бўйича мутахассислар ҳамда республикамизда фаолият кўрсатаётган қатор халқаро ташкилотлар, жамғармаларининг ваkиллари ва бошқалар ҳам дастурда белгиланган мавзулар юзасидан ўз фикрларини ўртоқлашдилар.

— Партиямиз фаоллари 1999 йилги сайловларни таҳлил этиб, тегишли хулосалар чиқармоқда, — деди Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши биринчи котиби, академик Турғунпўлат Даминов. — Бу йилги сайловларда биз ўзгача сийсиё руҳ билан иштирок этамиз. Аввало Сайловолди дастуримизни тайёрлашда кенг жамоатчилик фикрини ўргандик. Партиямиз фаоллари шу кунга қадар жойларда жамоатчилик билан алоқаларни йўлга қўйган. Бу эса ушбу дастуримизда ўз аксини топган, деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, ҳозирги пайтда юртимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг жамоатчилик билан алоқалари ҳам унинг эртанги истиқболида муҳим ўрин тутади. Назариётчилар фикрича, жамоатчилик билан алоқалар — бир жиҳатдан партия имижини оширса, иккинчи томондан, фуқароларнинг сиёсий маданиятини юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Бу эса ўз навбатида жамоатчиликнинг фикри янги парламент фаолиятида ўз аксини топишига замин яратади.

Давра суҳбати иштирокчилари сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари, уларнинг жаҳондаги умумэътироф этилган механизмига мос келадиган жиҳатлари ҳақида фикрлашдилар.

**Тўлқин ЭШБЕК, журналист**

# ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ БИРИНЧИ КОТИБИ, АКАДЕМИК ТУРҒУНПЎЛАТ ДАМИНОВНИНГ ПАРТИЯ III ҚУРУЛТОЙИДАГИ МАЪРУЗАСИ

Бугунги анжуманимиз жуда қутлуғ ва хаяжонли, синов кунларида – мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларидан иборат Ўзбекистон халқи Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловларга тайёргарлик авж олган кунларда ўтмоқда.

Бундай кунларда яқин тарихимизга назар ташлаш, ижтимоий ҳаётни демократиялаштириш ва давлат қурилиши сохаларида рўй бераётган ижобий жараёнлар, ислоҳотларнинг боришини баҳоли қудрат таҳлил этиб, бу ишларга бизнинг «Адолат» социал-демократик партиямиз, сиз- азиз фаолларимизнинг мамлакатимизда бу улуғвор мақсадлар йўлида амалга оширилаётган ишларга қандай ҳисса қўшиши билан бирга эришилган ютуқларни баҳолаш, шу билан бир қаторда фаолиятимизга танқидий назар ташлаш, партиянинг Дастурий вазифаларини бажариш борасидаги ҳаракатларимизни сарҳисоб қилиш, айниқса зарур, деб ҳисоблайман.

Қадрли дўстлар!

Сизларга маълумки, партиямиз Дастурида кўрсатилганидек, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг асосий мақсади-Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий-демократик, адолатли жамиятни барпо этиш ва Ўзбекистонни ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишдан иборатдир.

Партия Дастурида кўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси синфий айирмачилик, синфий кураш, шунингдек, қуролли кўзғолонлар ғоясини катъиян рад этади. Жамиятни демократлаштириш, ижтимоий табақалар ва тоифалар ўртасидаги ҳамкорлик ҳамда ҳамжиҳатликни вужудга келтириб, халқимиз бирлигини, биродарлигини мустаҳкамлашга интилади. Демократик жараёнлар чуқурлашиб борар экан, партияларнинг фаоллиги, фуқароларнинг ўз сиёсий иродаларини амалга оширишга бўлган интилишлари ошиб бораверади. Бундай шароитда партия аъзолари ва фуқароларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш ва сиёсий-маданий савиясини юксалтириш Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг шу кундаги долзарб амалий вазифаси ҳисобланади.

Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ўз Низоми ва Дастурига асосан иш олиб борди. Мунтазам равишда партия Сиёсий Кенгашининг Пленумлари ўтказилиб борилди. Пленумларда жамиятимиз ва партиямиз олдида турган долзарб масалалар кўриб чиқилди. Пленумлар оралиғида Сиёсий Кенгаш Раёсати ва Котибиятининг мажлислари ўтказилиб турилди. Ушбу мажлисларда партиянинг кундалик ҳаётига тегишли бўлган масалалар муҳокамадан ўтказилди. Шунингдек, мунтазам равишда партиянинг 8 депутатдан иборат Олий Мажлисдаги депутатлик фракциясининг мажлислари бўлиб турди. Жойларда вилоят, шаҳар ва туман партия ташкилотларининг мажлис ва пленумлари ўтказилиб турибди. Уларда Сиёсий Кенгаш қарорларини бажариш, сиёсий-ташкилий ва сиёсий-маданий тадбирларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сафларида таникли давлат ва жамоат арбоблари фаолият кўрсатишмоқда. Булар – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Рустам Азимов, Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазири Оқил Обидов, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзолари Турғунпўлат Даминов, Тўхтамурод Жўраев, Ўткир Расулов, Шавкат Солиҳов ва бошқа бир қатор партия фаолларидир.

Ўтган йиллар мобайнида партия аъзоларининг сафи мунтазам равишда ошиб борди. 2004 йилнинг 1 октябригача бўлган маълумотларга қараганда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аъзолари сони 50108 тага етган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда аёлларга, уларнинг иш фаолиятига хукуматимиз томонидан катта эътибор билан қаралмоқда. Бу фикримни Президентимизнинг Ўзбекистон-хотин қизлар қўмитаси фаолиятига доир фармони, ҳукуматимизнинг шу масала бўйича қабул қилинган қарори тасдиқлаши мумкин.

Олий Мажлиснинг ўн бешинчи сессиясида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддаси «Хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим», деган тўртинчи қисм билан тўлдирилгани аёлларга бўлган катта ишонч ва имкониятдан даракдир. Мулоҳаза қилиб кўринг; дунёда энг ривожланган АҚШ парламентининг 13 фоизини аёллар ташкил этади, холос.

Хотин-қизларимизнинг жамият ҳаётидаги фаолликлари ўсиб бормоқда. Ҳозирда партиямиз сафларида 16210 нафар хотин-қизлар фаолият кўрсатаяпти. Партия Сиёсий Кенгашининг 41 аъзосидан 11 нафари, вилоят партия Кенгашлари котибларининг 14 нафари, туман ва шаҳар партия Кенгашлари котибларининг 57 нафари, шаҳар ва туман Кенгашлари биринчи котибларининг 16 нафари хотин-қизлардан иборатдир.

Аёллар орасида партиявий-ташкилий ишларни жадаллаштиришда Сиёсий Кенгаш котиби Дилором Тошмуҳаммедова раислигида фаолият кўрсатаётган «Адолат» СДП хотин-қизлар Кенгаши алоҳида ўрин тутади.

Кенгаш раисининг ўринбосарлари этиб, Ўзбекистон Миллий Университети биринчи проректори Раҳбар Муртазоева ва Олий Мажлис Котибиятининг катта референти Гавҳар Отабековалар сайланган.

Кенгаш аъзолари сафида «Файз» Мебель холдинг компанияси бошқаруви раиси Мукаррам Азимова, Тошкент шаҳридаги 26-мактаб директори Роҳатой Анназарова, Қорақалпоғистон Республикаси Педагогика институти доценти Яхшибека Абдуллаева, Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Зуҳра Ботирова, С.Раҳимов туман партия Кенгашининг биринчи котиби Парида Пармонова, Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти умумий терапия бўлими мудири Турсуной Салимова, Тошкент шаҳар 6-сонли оилавий поликлиника бош шифокори Феруза Йўлдошева, Тошкент Авиация институти катта ўқитувчиси Юлдуз Тўхтаева, Бухоро шаҳар «Давр» хусусий корхонаси директори Гулнора Маҳмудова, Қибрай тумани «Қизил ярим ой» жамияти раиси Нигора Рустамова каби серғайрат, партиямиз ғояларини халқ ичида ташвиқот қилишда ташаббускор бўлган кўплаб фаолларимиз борлигидан фахрланамиз.

Аёллар Кенгаши томонидан шу йил давомида аёллар орасида бир қатор сиёсий-тарбиявий, хайрия тадбирлари ўтказилди. Бу борада айниқса партиямиз фахрийси Мукаррам Азимова раҳбарлигида Сирғали туманида ўтказилган тадбирлар эътиборга лойиқдир.

Ҳисобот даврининг 2001 йилида Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши қошида Ёшлар Кенгаши тузилди. Ўтган давр мабойнида Кенгаш аъзолари мунтазам равишда йиғилиб партия ёшлари орасида иш олиб боришди. Турли ташвиқот-тарғибот тадбирларида, баҳс–мунозараларда фаол иштирок этдилар. Ҳозирги кунда ёшлар кенгашига Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти аспиранти Шуҳрат Қудратов-раис, ёш тадбиркор Қобилжон Соатов-раис ўринбосари сифатида раҳбарлик қилмоқдалар. Кенгаш таркибида Зоир Парпиев, Асан Йўлдошев, Бахтиёр Оллаберганов, Авзал Акбаров ва бошқа ўнлаб ёш партиядошларимиз бор.

Ўтган 2003 йилнинг ёзида партиямиз фаолиятида катта аҳамиятга эга бўлган воқеа юз берди. Ўзбекистогн «Адолат» социал-демократик партияси Ўзбекистон байналминал жангчи фахрийлар бирлашмаси билан ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида шартнома имзолади. Ўз сафларида 65 мингга яқин аъзони бирлаштирган ташкилотни партия билан ҳамкорликда иш олиб бориши партиямиз фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Афғонистон урушида тобланган ўнлаб жангчи фахрийлар «Адолат» СДП сафларига киришди, партиянинг тарғибот-ташвиқот тадбирларига кўмаклашишди, партияни қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзоларини йиғишга фаол ёрдам беришди. Шу билан бирга жойлардаги партия Кенгашлари ғайратли, иродали, ташкилотчи, жангчи фахрийлар ҳисобига мустаҳкамланди. Ижозат берсангиз, мен партиямиз номидан Ўзбекистон байналминал жангчилар бирлашмаси раиси Талъат Муродовга ва у орқали бирлашманинг барча аъзоларига ўз миннатдорчилигимни билдирсам.

Партиямизнинг Олий Мажлисдаги фракцияси сессияларда фаол қатнашди. Барча қонун лойиҳалари, айниқса, иқтисодиётга оид қонун лойиҳалари фракциямизда кенг ва атрофлича муҳокама қилинди. Билдирилган барча таклифлар инобатга олиниши учун ўз қарашларимизни жиддий ҳимоя қилдик ва бунга эришдик.

Партиямиз фракцияси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаларини қизғин муҳокама қилиб, долзарб ва аниқ таклифлар билан чиқмоқда.

Партиямиз аъзолари парламентимизнинг турли қўмиталарида олиб бориладиган қонунчилик ва назорат фаолиятида фаол иштирок этмоқдалар. Маълумки «Адолат» партиясининг Дастурида қонун устуворлигига, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, ижтимоий адолатни қарор топтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу боисдан ҳам фракциямиз аъзолари ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси, қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси, халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталари томонидан ташкил этилган тадбирларда фаол иштирок этмоқдалар.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси томонидан уюштирилган «Ўзбекистон Республикасининг пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун хужжатлари ижроси муаммолари», «Кучли ижтимоий ҳимоя — Ўзбекистон давлати сиёсатининг устувор йўналиши» каби мавзуларидаги конференцияларда иштирок этмоқда. Мазкур қўмита томонидан кўриб чиқилаётган қонун ва қарорлар ишлаб чиқилиши бўйича зарур тавсиялар киритилмоқда.

Фракциямиз аъзолари қабул қилинаётган қонунлар ва қарорлар лойиҳалари юзасидан муҳим таклиф ва мулохазаларни билдирмоқда. Айниқса, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси устида жиддий иш олиб бориб, муҳим таклифлар билан чиқди. Бу қонуннинг қабул қилиниши Сиёсий партиялар ҳаётида мухим тарихий аҳамият касб этди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 14-сессиясида кўриб чиқилган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни бўйича ҳам фракция тарафидан муҳим таклифлар китилди.

Олий Мажлис 15-сессиясида «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича ҳам муҳим таклифлар киритилди.

Олий Мажлис ташкил этган Жиззах, Тошкент, Андижон ва Наманган вилоятларида «Дори воситалари фармацевтик фаолияти тугрисида»ги, «Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида»ги халқаро конвенцияларнинг ижросини назорат қилиш бўйича комиссияларида партиянинг фракция аъзолари фаол қатнашиб келмоқда.

Энди навбатдаги вазифамиз бу қонунларнинг мақсад-моҳиятини фуқароларга етказиш, улар билан учрашиб, ўрта ва кичик бизнесни равнақ топтиришга қаратилган қулайлик, имтиёзларни кўпчиликка тўлиқ тушунтиришдан иборатдир. Махаллалар ва жойларда ҳар бир Олий Мажлис сессияларидан сўнг мунтазам равишда учрашувлар ташкил этилиб, сессияда кўрилиб ва қабул қилинган ҳужжат ва қонунлар ҳақида аҳолига батафсил, атрофлича ахброт берилиб турилди.

Ҳар бир депутат бир ойда бир марта ўз туманида депутат қабулларини ташкил этди. Кабуллар ва депутат сўровлари натижасида кўплаб фуқароларга ижтимоий масалаларни ҳал этиш, амалий ёрдам кўрсатиб, юридик маслаҳатлар ва юз берган адолатсизликни бартараф этишда ёрдам берилди.

«Адолат» СДПнинг 1999 йилдаги Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига ўтказилган сайловлардаги иштирокини таҳлил қилиш, ютуқ ва камчиликларимизни холисона баҳолаш ҳозирги кунда айниқса муҳимдир.

Ўтган сайловда партиядан Олий Мажлисга 11 депутат, маҳаллий кенгашларга 60 депутат сайланди. Албатта, салкам қирқ минг нафар аъзога эга бўлган партия учун бу эътиборли ютуқ эмас. Партия ташкилотларимизнинг сайловолди ва сайловлардаги фаолиятига танқидий назар ташласак йўл қўйилган қуйидаги камчиликлар кўзга ташланади.

Биринчидан, партиямиз томонидан кўрсатилган номзодларнинг кучли рақобатчилик шароитида кураш олиб боришга тайёргарлик даражаси паст бўлди.

Иккинчидан, номзодларни халққа таништиришда, уларнинг сайловолди дастурларини тарғиб қилишда, сайлов кампаниясини тўлақонли ўтказишда жойлардаги партия ташкилотлари кўнгилдагидек иш олиб бормади.

Учинчидан, партиямиз сайловолди кампаниясини олиб бориш учун етарли миқдорда маблағ жалб эта олмади. Оқибатда биз номзодларимиз ва партия ташкилотларимизни зарур даражада тарғибот воситалари ва хизматлар билан таъминлай олмадик.

Тўртинчидан, партия мақсад ва маслакларини, унинг сайловолди дастурини халққа етказиш юзасидан оммавий-тарғибот тадбирлари ниҳоятда кам ўтказилди.

Бешинчидан, 1999 йилги сайловларда вилоят, шаҳар, туман партия ташкилотлари маҳаллий кенгашлар депутатлигига жуда кам миқдорда номзодлар кўрсатдилар. Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Сурхондарё, Навоий вилоят партия ташкилотлари турли сабабларга кўра умуман номзод кўрсата олмадилар.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда партиямиз Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига бу йил бўладиган сайловларга тайёргарлик ишларини ниҳоятда эрта 2003 йилнинг 25 декабрида ўтказилган Сиёсий Кенгаш XI пленумида бошлаб юборди.

Пленум қарорларига биноан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоят Кенгашлари зиммасига партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларини ўтказиш ҳамда сайловларга тайёргарлик кўриш юзасидан тадбирлар режасини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди. Сиёсий кенгаш қошида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларини ўтказиш, сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда партиянинг сайловолди Дастурини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлари тузилди.

Режага кўра 2004 йилнинг 15 майигача бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари, 16 июнгача туман, шаҳар партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов конференциялари, 25 сентябргача Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов конференциялари ўтказилди.

Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хоразм, Андижон вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри партия ташкилотларининг ҳисобот сайлов конференциялари намунали тарзда, куп сонли делегатлар партия фаоллари ва меҳмонлар иштирокида ўтказилди. Бу анжуманларни ёритиш учун оммавий ахборот воситалари, марказий ва маҳаллий телевидение вакиллари жалб этилди, партия ҳақида, унинг мақсад ва маслаклари ҳақида маълумот берувчи, конференция кун тартиби, қабул қилинадиган қарор лойиҳалари, сайланадиган партия органлари таркиби акс эттирилган материаллар кўп нусхада чоп этилиб делегат ва меҳмонларга тарқатилди. Ҳисобот-сайлов конференцияларини ўтказиш жараёнида партия Кенгашлари таркиби бир мунча янгиланди. Улар фидокор ва қаттъиятли партия фаоллари, билимдон ва жонкуяр аёллар, ғайратли ва шижоатли ёшлар ҳисобига мустаҳкамланди.

Йиғилиш ва конференцияларни ўтказиш жараёнида партиямиз сафлари 10000 (ўн минг) кишидан ортиқ ўсди. Жумладан Самарқанд вилоят партия ташкилоти аъзолари сони 14000 (ўн турт минг)дан, Бухоро вилоятида 5000 (беш минг) дан, Тошкент вилоятида 4,5 мингдан ошиб кетди.

Кейинги йилларда Самарқанд вилоятида бошланғич партия ташкилотларнинг сони 1328 тага етди. Партия аъзолари ўз бурчларини теран англаб, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этишда дадил иштирок этмоқда. Тайлоқ, Булунғур, Оқдарё туманлари Самарқанд, Каттақўрғон шаҳарлари партия ташкилотларида шундай ишчанлик муҳити юзага келганлиги қувончлидир. Уларда сиёсий мулоқот клублари, спорт секциялари экологик тарбия масканлари мунтазам фаолият юритмоқда. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайланган партия вакиллари долзарб муаммо ва масалаларни сессия муҳокамасига олиб чиқмоқдалар.

Миллий — маданий марказлар ва касаба уюшмалари билан ҳамкорликда аҳолини сиёсий маданиятини ошириш, миллатлараро муносабатларини уйғунлаштириш, меҳнаткашларнинг ижтимоий — иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларнинг шароитларини яхшилашга йўналтирилган тадбирлар ўтказилди.

Андижон вилояти партия кенгашининг аҳоли ўртасида терроризм ва ақидапарастликка қарши тушунтириш ишларини авж олдиргани эътиборга моликдир.

Маълумки, вилоятда айрим кимсаларнинг диний экстремизм, терроризмни авж олдириш учун уринишлари, уларнинг конституцион тузумга қарши иђвогарона ташвиқотлари содир бўлган эди. Бу ёвузлик харакатларига нисбатан партия етакчилари ва фаоллари бошланђич партия ташкилотларида, меҳнат жамоаларида учрашувлар ташкил этиб, давлатимиз олиб бораётган ташқи ва ички сиёсатни тушунтириб бердилар. Партия ташкилотларига, бир қатор меҳнат жамоаларига «Адолат» партияси вилоят кенгаши томонидан нашр эттирилган огоҳликка чорловчи «Халққа тинчлик ва осойишталик керак»! мавзуидаги плакатлар тарқатилди.

Хоразм вилоят кенгаши шаҳар ва туман кенгашлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Натижада, вилоятда партия аъзолари сон жиҳатдан ўсиб, илђор, ишбилармон мутахассислар, қишлоқ хўжалиги ходимлари, ўқитувчилар ва зиёлилар, тиббиёт ходимлари ҳисобига партия сафи мустаҳкамланмоқда. Ҳозирги кунда шаҳар ва туманларда 127 бошланђич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда, улар уч мингдан ортиқ партия аъзоларини ўз сафига бирлаштирган. Партия аъзоларининг 32 фоизини ёшлар, шулардан 12 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

Сирдарё вилоятидаги бошланғич ташкилотларда партия аъзоларининг сифатига эътибор кучайтирилмоқда. Эндиликда партия сафига меҳнатда ҳам, турмушда ҳам, жамоатчилик ишларида ҳам ижобий фазилатларни намоён этган сиёсий етук инсонлар қабул қилинмоқда.

Бироқ, Фарғона, Наманган, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах вилоят партия Кенгашлари ҳисобот даврида мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмадилар.

Бу вилоятларда партия сафларининг ўсиш суръатлари қониқарли бўлмади. Оммавий тарғибот-ташвиқот тадбирлари кам ўтказилди. Аъзолик бадалларини вақтида тўламаслик ҳолларига йўл қўйилмоқда. Шаҳар ва туманлар партия Кенгашларида пленум йиғилишлари кам ўтказиляпти. Бундай масъулиятсизликни республикадаги бошқа бир қатор партия ташкилотлари фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Ҳурматли делегатлар! Оммавий тарғибот ва ташвиқот тадбирларини амалга оширишга жиддий эътибор берилмоқда. Партия етакчилари томонидан ўнлаб бошланғич ташкилотларда «Парламент ислоҳати — Ўзбекистонда демократик тараққиётнинг янги босқичи» мавзусида суҳбатлар, мунозалар ўтказилди.

Шу билан бирга «Адолат» СДП турли пағонадаги ташкилотлари ва фаоллари томонидан меҳрибонлик уйлари, ветеран ва ногиронларга байрам дастурхонлари ташкил этилди. Аҳолининг энг ночор қатламлари кексалар, ногиронлар, етимесирлар, кўп болали оналарга доимий равишда эътибор кўрсатилмоқда. Масалан, Самарқанд партия ташкилоти томонидан жорий йилнинг ўзида 2035847 сўм, Тошкент шаҳридаги Собир Раҳимов ва Акмал Икромов туманлар партия ташкилотлари томонидан 2004 йил бошидан умумий қиймати 3 млн. сўмдан ортиқ ёрдам кўрсатилди.

Партия томонидан ёшларнинг жисмоний камолотига жиддий эътибор бериб келинмоқда. Фақат 2003 йил ва 2004 йилнинг ўтган даврида Самарқанд вилояти партия ташкилоти томонидан шу мақсад учун 11401 минг сўмлик ҳомийлик ёрдам ташкил этилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга ҳам катта эътибор қаратмоқда.

2003 йил апрел ойида Германиянинг Конрад Аденауэр фонди билан Ўзбекистон «Адолат» СДП ўртасида «Ҳамкорлик қилишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги битим имзоланди. Шунга кўра мазкур жамоат ташкилоти билан бир қанча тадбирлар ташкил этилди. Фонд томонидан уюштирилган конференция ва семинарларда партиямиз фаоллари парламентаризм ва ғарб демократияси асослари, Германия сиёсий партияларининг фаолияти ҳақида маълумотларга эга бўлдилар. Партиянинг икки вакили фонд ҳомийлигида Германияга бориб Германия Социал-демократик партияси ва Хрестиан-демократик иттифоқи партиялари фаолияти билан тинишиб келди.

Партиямизнинг бош нашри ҳисобланган «Адолат» газетасининг асосий вазифаси партия ҳаётини кенг ва ранг-баранг мавзуларда ёритиш, Дастурий вазифаларимизни амалга оширишда кўмаклашиш, вилоят, туман ва бошланғич ташкилотлари фаолиятидаги муаммоларга муассис ва партия фаоллари эътиборини қаратишдан иборатдир.

Ўтган даврда таҳририят аъзолари ўз Низомида белгиланган вазифаларни бажариш бўйича бир қанча ибратли ишларни амалга оширдилар. Бироқ, «Адолат» газетаси ўз фаолиятини Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясида сиёсий партиялар нашрлари ҳақида билдирган танқидий фикрлари бўйича ишини тубдан яхшилаши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Гапнинг очиғи, бизнинг ўзимиз муассис сифатида газета фаолиятига етарли эътибор бериб, таҳририят жамоасини ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни унутиб қўйдик. Биз - сиёсий Кенгаш, вилоят кенгашлари ва барча фаоллар газетамизнинг обрўйи-нуфузини кўтариш, унинг муаммоларини ҳал этиш билан жиддий шуғулланмоғимиз керак.

Азиз дўстлар!

Сизларга маълумки, ҳозирги кунда сиёсий партияларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлаш учун қонунчилик фаолияти билан самарали шуђулана оладиган номзодлар танлаш ишлари қизғин давом этмоқда.

Шу боис танланган номзодлар билан «Адолат» СДПнинг сайловолди Дастури», «Депутатлик мандати», «Сайловда кураш» каби долзарб мавзуларда тренинглар ташкил этиш, Партиямиз кўрсатилаётган номзодларни сайлов жараёнида қўллаб-қувватлаш учун сайлов штабини ташкил этиш, уларнинг ишончли вакилларини танлаш бўйича партиянинг обрули фаолларидан иборат Маслаҳат Кенгаши тузиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. «Адолат» ва бошқа газеталарда сайлов олди кампаниясида фаол қатнашаётган хотин-қизлар, ёшларга, бағишланган мақолалар суҳбат ва лавҳаларни алоҳида рукнларда ёритиб бориш даркор. Яна бир фикр — Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги учун ўз салоҳиятини фидо қилишга шай кишиларнинг парламентдан ўрин олишлари учун юртдошларимиз позицияси ҳозирги сайлов кампанияси бошланган кунлардан фаоллик ва аниқлик касб этиши лозим деб ҳисоблайман.

Чунки сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлар томонидан номзодларни танлашда халқнинг фикрини қанча кўп ҳисобга олсалар, сайлов кампаниясининг кейинги босқичларида кўзланган натижаларга эришишлари шунча енгил кўчади.

Номзодликка муносиб кишиларни кўрсатиш, улар ичидан энг арзийдиган вакилларни сайлашдан энг аввало ўзимиз манфаатдормиз. Негаки, эртанги ҳаётимиз даражаси сайлов натижаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Сизга маълум, «Адолат» СДП маҳаллий ҳокимият вакиллик органларини шакллантиришда ҳам фаол иштирок этади. Бу ўз навбатида, парламентнинг юқори палатаси — Сенат аъзоларини сайланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг белгиланган асосий йўналишлари бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада сиёсий партияларнинг жамиятимиздаги ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Уларнинг роли икки палатали парламент тизимига ўтилиши муносабати билан тобора ошиб бормоқда. Негаки, Ўзбекистон Республикасининг «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонунга ва Конституцияга киритилган ўзгаришларга мувофиқ бўлажак парламентнинг қуйи палатаси — Қонунчилик палатаси доимий, профессионал асосда иш олиб боради. Ушбу палата сиёсий партияларнинг бевосита иштирокида шаклланади. Парламентнинг қуйи палатасига муносиб номзодлар сайланиши учун бизнинг партиямиз ҳам муайян даражада масъулдир.

Бундан ташқари партиямизнинг вилоятлардаги ташкилотлари халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига тегишли туман ва шаҳар партия ташкилотлари муносиб номзодлар кўрсатиш учун ҳам масъулдирлар. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунга мувофиқ «Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар сиёсий партияларнинг тегишли туман, шаҳар органлари ҳамда фуқаролар йиғинларида (вакллари йиғилишларида) кўрсатилади. Сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тегишли ҳудудда жойлашган ҳар бир сайлов округига биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ваколатлидир».

Демак бизнинг партиямиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасига 120 нафар депутатликка номзод, вилоят Кенгашлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, шунингдек туман ва шаҳар Кенгашларига қарийб олти мингга яқин депутатликка номзод кўрсатишга ҳақлидир.

Лекин мен яна бир нарсага эътиборингизни жалб қилмоқчи эдим. Биз барча сайлов округларидан номзод кўрсатишга интилмасдан, балки сон жиҳатдан камроқ номзодлар кўрсатиб, уларнинг сайловда ўтиши учун жиддий ҳаракат қилишимиз керак.

Олдинги сайловлардаги тажрибамиз шуни кўрсатадики, муваффақият кўрсатилган номзодлар сони билан эмас, балки кўрсатилаётган номзодларнинг шахсига, сиёсий ва ғоявий тайёргарлигига, унинг аҳоли орасидаги ҳурмат-эътиборига, номзодларни қўллаб-қувватловчи жойлардаги партия ташкилотларнинг салоҳиятига ва фаоллигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ҳурматли делегатлар!

Сизнинг эътиборингизга тақдим этилган ушбу ҳисобот 1999-2004 йилларда партиямиз томонидан амалга оширилган ишларнинг қисқача тавсифидир, бу ишларнинг кенг кўламлилиги ва кўп тармоқлилигига қарамасдан олдимиздаги вазифалар ундан ҳам улканроқ ва мураккаброқдир. Лекин ҳозирда эллик минглик Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси бундай вазифаларни ҳал этиш учун сиёсий куч-қудрати ҳам, халқ орасидаги обрў-эътибори ҳам етарлидир. Партиямизга муваффақият ва Сизларга сиҳат-саломатлик тилайман!

**Маъруза қисқартирилган ҳолда эълон қилинмоқда.**

